



HERE ARE SOME IDEAS ABOUT THE INTERNATIONAL LEGAL FRAMEWORK FOR PREVENTING AND EXPOSING THE CRIME OF FRAUD

Umurzakov Anvar Gayratovich

Officer in charge of the Ministry of Internal Affairs, Lieutenant Colonel.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14987437>

ARTICLE INFO

Received: 28th February 2025

Accepted: 04th March 2025

Online: 05th March 2025

KEYWORDS

*Declaration, agreement,
contract, international
documents.*

ABSTRACT

The article analyzes the international legal framework for the prevention and disclosure of the crime of fraud and develops scientifically substantiated proposals and recommendations.

НЕКОТОРЫЕ МНЕНИЯ О МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВОЙ ОСНОВЕ ВЫЯВЛЕНИЯ И РАЗОБЛАЧЕНИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЯ МОШЕННИЧЕСТВА

Умурзаков Анвар Гайратович

Ответственный сотрудник Министерства внутренних дел, подполковник.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14987437>

ARTICLE INFO

Received: 28th February 2025

Accepted: 04th March 2025

Online: 05th March 2025

KEYWORDS

*Декларация, соглашение,
Договор, международные
документы.*

ABSTRACT

В статье проанализированы международно-правовые основы выявления и раскрытия преступления мошенничества и разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации.

ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТИНИ АНИҚЛАШ ВА ФОШ ЭТИШНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ҲАҚИДА БАЪЗИ ФИКРЛАР

Умурзаков Анвар Гайратович

Ички ишлар вазирлигининг масъул ходими, подполковник.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14987437>

ARTICLE INFO

Received: 28th February 2025

Accepted: 04th March 2025

Online: 05th March 2025

KEYWORDS

*Декларация, битим,
шартнома, халқаро
ҳужжатлар.*

ABSTRACT

Мақолада фирибгарлик жиноятини аниқлаш ва фош этишнинг халқаро ҳуқуқий асослари таҳлил қилиниб, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.



Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси қирқдан ортиқ давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан юздан ортиқ халқаро ҳужжатларни қабул қилишга эришди. Мазкур халқаро ҳужжатларнинг мазмунида мулкӣ турдаги жиноятларга қарши курашиш масалалари ҳам тартибга солинган. Жумладан, Жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида: “ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эгалиги”(17-м)¹; Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Латвия Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасидаги “Ҳамкорлик тўғрисида”ги битимда ҳамкорликнинг йўналишлардан бири сифатида мол-мулкка қарши кураш, жиноятчиларни, тергов ва суддан, жазо муддатини ўташдан яшириниб юрган шахсларни қидириб топиш (1-м); оператив-қидирув тадбирларини ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш (2-м)²; Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Украина Ҳукумати ўртасидаги “Жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорлик тўғрисида”ги битимда ҳамкорликнинг йўналишлардан бири сифатида мулкка қарши жиноятлар (2-м); ҳамкорликнинг шакли сифатида тайёрланаётган ёхуд содир этилган жиноятлар ва уларга алоқадор жисмоний ва ҳуқуқӣ шахслар ҳамда ташкилотлар ҳақида қизиқиш уйғотувчи ахборотлар алмашлаш; тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги сўровларни бажариш(3-м)³; Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия федерацияси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимда ҳамкорликнинг йўналишлардан бири мулкка қарши жиноятлар (2-м); ҳамкорлик шаклларида бири тайёрланган ёки содир этилган жиноятлар ва уларга алоқадор жисмоний ҳамда юридик шахслар ва ташкилотлар ҳақида қизиқиш уйғотадиган ахборотларни ўзаро алмашиш; тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш тўғрисида сўровларни бажариш; жиной-қидирувдан ёки жазони ўташдан бекиниб юрган шахсларни ушлаш (3-м)⁴; Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Грузия Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимда ҳамкорликнинг йўналишлардан бири сифатида шахснинг мулкка қарши жиноятлар (2-м); ҳамкорлик шаклларида бири сифатида тайёрланган ёки содир этилган жиноятлар ва уларга алоқадор жисмоний ҳамда юридик шахслар ва ташкилотлар ҳақида қизиқиш уйғотадиган ахборотларни ўзаро алмашиш; тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш тўғрисида сўровларни бажариш; жиной-қидирувдан ёки жазони ўташдан бекиниб юрган шахсларни яширинган

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилган // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти :01.02.2025).

² Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Латвия Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим (1992 йил 24 апрель, Олмаота) (Ўзбекистон Республикаси учун 1992 йил 24 апрелдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:02.02.2025).

³ Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Украина ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим (1995 йил 20 июнь, Тошкент. 1995 йил 20 июндан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:03.02.2025).

⁴ Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим (1995 йил 27 июль, Тошкент. 1995 йил 27 июлдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:04.02.2025).



жойини аниқлаш (3-м)⁵; Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Германия Федератив Республикаси Ҳукумати билан “Уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа хавфли жиноятларга қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисида”ги келишувда мулкка ва мулккий турдаги жиноятларга қарши курашиш (3-м)⁶; Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимда шахсинг мулкига қарши жиноятлар (2-м); тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ва уларга алоқадор жисмоний ва юридик шахслар, ташкилотлар тўғрисида қизиқиш уйғотадиган ахборотларни ўзаро алмашиш; тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш тўғрисидаги сўровларни бажариш; жинойий таъқибдан ёки жазони ўташдан қочиб юрганларни ушлаш (3-м)⁷; Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Болгария Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида”ги битимда уюшган жиноятчилик (2-м); жиноятларни очиш, уларнинг олдини олиш ва текширишга асқотиши мумкин бўлган ахборотларни алмашиш (3-м)⁸; Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимда жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва фош этишга кўмаклашадиган ахборотни алмашиш; тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш тўғрисидаги сўровларни бажариш (3-м)⁹; Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида “Жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимда кишининг мулкига қарши жиноятлар(2-м); тайёрланаётган ёки амалга оширилган жиноятлар ҳамда уларга дахлдор жисмоний ва юридик шахслар ҳамда ташкилотлар тўғрисида қизиқиш уйғотувчи маълумотларни алмашиш; оператив-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги сўровларни бажариш; жинойий таъқибдан ёки жазони ўташдан яшириниб юрган шахсларни қидириш (3-м)¹⁰; Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати

⁵ Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Грузия Республикаси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (1995 йил 4 сентябрь, Тошкент. 1995 йил 4 сентябрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:05.02.2025).

⁶ Соглашение между правительством Республики Узбекистан и правительством федеративной Республики Германия о сотрудничестве в борьбе с организованной преступностью, терроризмом и другими преступлениями, представляющими повышенную опасность (Бонн 16 ноября 1995 года. Узбекистан 3 ноября 1997 года) // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти:06.02.2025).

⁷ Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (1998 йил 30 октябрь, Тошкент. 2005 йил 14 июндан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:29.11.2021).; Соглашение об обмене информацией в сфере борьбы с преступностью (Астана, 22 мая 2009 года вступило в силу 28 апреля 2011 года) // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти: 07.02.2025).

⁸ Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Болгария Республикаси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (1999 йил 7 май, Тошкент. 1999 йил 26 сентябрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти:08.02.2025).

⁹ Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (2000 йил 25 июль, Боку. 2001 йил 9 июлдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти: 09.02.2025).

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (1999 йил 9 июль, Тошкент. 2000 йил 4 декабрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти: 10.02.2025).



билан Австрия Республикаси Федерал Ҳукумати ўртасидаги “Хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида”ги битимда жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш ҳамда жамоат хавфсизлигига катта хавф туғдирувчи жиноятни бартараф қилиш мақсадида ахборот алмашиш; уюшган гуруҳлар томонидан жиноятларни содир этиш усуллари, уларнинг таркиби, тузилиши, фаолият доираси ва жиний алоқалари (З-м)¹¹ни аниқлаш каби қоидалар белгиланган. Шунингдек, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ҳамкорлик масаласида *Молдова, Ал-Қувайт, Қирғизистон, Беларусь, Туркманистон, БАА, Саудия Арабистони, Қозоғистон* каби ривожланган давлатлар билан икки томонлама, кўп томонлама халқаро шартномалар имзоланган бўлиб, ушбу икки муҳим масалаларга умумий жиҳатдан эътибор қаратилмоқда. Масалан, ушбу халқаро халқаро ҳужжатларнинг моҳияти таҳлил қилинганда умумий мулкӣ турдаги жиноятларга қарши курашиш ҳақида қоида белгиланганини кўриш мумкин. “Жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ахборот алмашиш тўғрисида”ги битим (22.05.2009 й *Остонада имзоланган*) билан тасдиқланган “Давлатлараро ахборот банкига тақдим этиладиган маълумотлар рўйхати”да: очилмаган жиноятлар тўғрисидаги маълумотлар сифатида йирик ва ўта йирик ҳажмда *фирибгарлик содир этиш* банди мавжудлиги, бошқа халқаро ҳужжатларнинг мазмунида бу каби қоидалар йўқлиги ўрганиш жараёнида маълум бўлди.

Сўнгги 5 йилда (2019–2024 йил) республикамиз ҳудудида *фирибгарлик* жиниятини содир этиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. Мисол учун 2023 йилда судлар томонидан кўрилган жиноят ишларнинг аксариятини *фирибгарлик* билан боғлиқ жиноятлар ташкил этган¹².

Бугунги кунда устаси фаранг *фирибгарлар* рақамли технологиялар воситасида фуқароларнинг номига тижорат банкларининг мобиль иловалари орқали онлайн кредитлар расмийлаштириш ҳамда банк картасига тушган кредит маблағларини ўтказмалари орқали ноқонуний ўзлаштириш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. 2024 йилда *фирибгарлик* йўли билан фуқаролар номига онлайн кредит ажратиш орқали 615 та ҳолатда қарийб 20 млрд. сўм миқдорда моддий зарар етказилган. Жиноятларни содир этаётган шахсларни аксарияти бошқа давлатлар ҳудудида бўлиб, кибермакондан фойдаланиб ўз жиний режаларини амалга ошириб келишмоқда.

Мазкур муаммога ечим излаш учун биринчи навбатда *фирибгарликка* қарши курашишнинг халқаро ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш лозим яъни, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳамкорлик масалалари бўйича қабул қилинган халқаро ҳужжатлар мазмунида: **“киберфирибгарлик жиниятини содир этган шахсларни аниқлаш ва уларнинг қилмишини фош этиш”**каби қоида қамкорлик шакли сифатида белгилаш таклиф этилади.

References:

¹¹ Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Австрия Республикаси федерал ҳукумати ўртасида хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (2001 йил 2 ноябрь, Тошкент 2002 йил 18 майдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти: 11.02.2025).

¹² <https://kun.uz/kr/news/2024/01/25/2023-yilda-firibgarlik-jinoyati-eng-kop-sodir-etildi-oliy-sud>



1. Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси 1991 йил 30 сентябрда ратификация қилган // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) (мурожаат вақти: 11.02.2025).
2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Латвия Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим (1992 йил 24 апрель, Олмаота) (Ўзбекистон Республикаси учун 1992 йил 24 апрелдан кучга кирган) // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) (мурожаат вақти:12.02.2025).
3. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Украина ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим (1995 йил 20 июнь, Тошкент. 1995 йил 20 июндан кучга кирган) // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) (мурожаат вақти:13.02.2025).
4. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим (1995 йил 27 июль, Тошкент. 1995 йил 27 июлдан кучга кирган) // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) (мурожаат вақти:14.02.2025).
5. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Грузия Республикаси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (1995 йил 4 сентябрь, Тошкент. 1995 йил 4 сентябрдан кучга кирган) // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) (мурожаат вақти:15.02.2025).
6. 6.Соглашение между правительством Республики Узбекистан и правительством федеративной Республики Германия о сотрудничестве в борьбе с организованной преступностью, терроризмом и другими преступлениями, представляющими повышенную опасность (Бонн 16 ноября 1995 года. Узбекистан 3 ноября 1997 года) // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz). (мурожаат вақти:16.02.2025).
7. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (1998 йил 30 октябрь, Тошкент. 2005 йил 14 июндан кучга кирган) // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) (мурожаат вақти:29.11.2021).; Соглашение об обмене информацией в сфере борьбы с преступностью (Астана, 22 мая 2009 года вступило в силу 28 апреля 2011 года) // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz). (мурожаат вақти: 17.02.2025).
8. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Болгария Республикаси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (1999 йил 7 май, Тошкент. 1999 йил 26 сентябрдан кучга кирган) // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) (мурожаат вақти:18.02.2025).
9. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (2000 йил 25 июль, Боку. 2001 йил 9 июлдан кучга кирган) // Электрон манба: [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz) (мурожаат вақти: 19.02.2025).
10. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (1999



йил 9 июль, Тошкент. 2000 йил 4 декабрдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz>. (мурожаат вақти: 20.02.2025).

11. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Австрия Республикаси федерал ҳукумати ўртасида хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (2001 йил 2 ноябрь, Тошкент 2002 йил 18 майдан кучга кирган) // Электрон манба: <http://www.lex.uz> (мурожаат вақти: 21.02.2025).

12. <https://kun.uz/kr/news/2024/01/25/2023-yilda-firibgarlik-jinoyati-eng-kop-sodir-etildi-oliy-sud>